BIZNES Daily

БИРЖА

Иқтисодий газета

№3 (2326)

Экономическая газета

Ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Пайшанба, 2018 йил 11 январь
Четверг, 11 января 2018 года

www.biznes-daily.uz

ИСЛОҲОТЛАРДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАД МАМЛАКАТИМИЗ МУДОФАА ҚУДРАТИ ВА САНОАТ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 10 январь куни Чирчиқ шаҳридаги ҳарбий қисмга ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 декабрдаги фармони билан қайта ташкил этилган мазкур ҳарбий қисмда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев ҳарбийлар учун яратилган шароитлар, жанговар тайёргарликда фойдаланиладиган моддий воситалар, ҳарбий хизматчиларнинг кийим-кечак таъминоти билан танишди, улар билан суҳбатда бўлди.

Президентимизга Тошкент вилояти ҳарбий-маъмурий сектори фаолиятини 2018 йилда ташкиллаштириш бўйича "йўл харитаси", ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепцияси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Мудофаа вазирлиги тизимидаги бошланғич ташкилотларининг ташкилий тузилмаси, ёш ҳарбий хизматчиларни рағбатлантириш ва истиқболда қилинадиган бошқа ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий кийим ва асбоб-анжомларини замонавий асосда янгилаш, таъминот тизимини такомиллаштириш зарурлигини таъкидлади. Муносиб хизмат қилган ҳарбийларга барча шароитлар яратиш, уларни уй-жой, автомашина билан таъминлаш бўйича топшириқ берди.

Президентимиз ҳарбийлар ошхонасида бўлиб, бу ерда яратилган шарт-шароитларни кўздан кечирди.

Чирчиқ – кимёгарлар ва машинасозлар шаҳри. Унинг жуғрофий ўрни иқтисодиётни ривожлантириш учун жуда қулай. Шаҳарда фаолият кўрсатаётган "Максам-Чирчиқ", "Ўзбеккимёмаш", "Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи" акциядорлик жамиятлари, Ўзбекистон иссиққа чидамли, қаттиқ металл қоришмалар заводи каби йирик ишлаб чиқариш қувватлари мамлакатимиз саноати ривожига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Президентимиз ташриф доирасида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасини ривожлантириш дастури билан танишди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг машинасозлик корхоналари фаолиятини бошқаришни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳада ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, агросаноат комплекси учун замонавий, унумдорлиги юқори, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош техника ва ускуналар ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Президентимизга ресурс тежамкор, замонавий, унумдорлиги юқори қишлоқ хўжалиги техникаси ва механизация воситаларини ишлаб чиқариш бўйича қилинадиган ишлар юзасидан маълумот берилди.

Жумладан, "Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи" акциядорлик жамиятида 2018-2019 йилларга мўлжалланган, қиймати 32,7 миллион долларлик 3 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни маҳаллийлаштириш даражасини 50 фоизгача етказиш кўзда тутилган.

Лойиҳадан кўзланган мақсад машина-трактор парклари, фермер ва деҳқон хўжаликларини техникаларнинг янги турлари – замонавий ғалла ва ем-хашак ўриш комбайнлари, чигит ва ғалла экиш сеялкалари, ерга ишлов бериш, картошка экиш ва йиғиб олиш техникалари билан таъминлашдир.

Давлатимиз раҳбари лойиҳа доирасида ишлаб чиқарилиши кўзда тутилаётган қишлоқ хўжалиги техникалари намуналари билан танишди. Жаҳон бозорида рақобат кучайиб бораётган бугунги кунда, ишлаб чиқарилаётган ҳар қандай маҳсулот нафақат ички бозорни таъминлаши, балки халқаро кўламда рақобатбардош ва экспортбоп бўлиши зарурлиги таъкидланди.

Шу ерда Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи, "Технолог", "Агрегат", "ЎзКейсмаш", "Лемкен-Чирчиқ", "ЎзКлаасагро" корхоналарида ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникалари тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Президентимиз "Ўзбеккимёмаш заводи" акциядорлик жамиятида янги қуюв цехи ва йирик ҳажмли ускуналарни ишлаб чиқариш лойиҳаси билан танишди.

Бугун мазкур корхонада нефть-газ, кимё ва озиқ-овқат саноати учун иссиқлик алмашиниш жиҳозлари, компрессорлар, насослар, нефть ва газни қайта ишлаш, кимёвий, бурғулаш ва ҳаво билан совутиш ускуналари, бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилмоқда.

Давоми 2-бетда.

Жараён



Хусусий боғчалар учун имтиёзлар

3

Общество



Ташкент и Шымкент связал прямой автобусный рейс

4

Нигоҳ

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

15

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази 1000 дан зиёд аҳоли вакиллари ўртасида тадқиқот ўтказиб, фуқароларимизнинг "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларнинг нақадар изчил амалга оширилгани хусусидаги фикрлари билан қизиқди.

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲАЁТБАХШ САМАРАСИ

Маълум бўлишича, халқимизнинг давлат бошқаруви ва жойлардаги ижро ҳокимияти органлари фаолиятига берган баҳоси ижобий. 2017 йилнинг биринчи чорагида респондентларнинг 47,1 фоизи давлат идоралари ишидан қониқиш ҳосил қилганини айтишган, тўртинчи чоракда мазкур кўрсаткич 52,3 фоизни ташкил этган.

Аниқланишича, аҳолининг долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш бўйича давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятидан фуқаролар қониқишининг энг юқори даражаси Сурхондарё (86,7 фоиз), Наманган (75,6 фоиз) ва Сирдарё (75 фоиз) вилоятларида, Фарғона ва Жиззах вилоятлари аҳолисининг бу борада берган баҳоси эса мамлакат бўйича ўртача даражадан паст бўлган.

Ҳар иккинчи респондент жойлардаги ижро ҳокимияти органлари фаолиятига доир ахборотнинг очиқлик даражасига баҳо бериб, айни жабҳада ахборот очиқ ва улардан фойдаланиш мумкин, деб ҳисоблаган. Тўрт чорак мобайнидаги сўровлар мониторинги бу кўрсаткич 10,5 фоиз ўсганини кўрсатган. Ҳар учинчи иштирокчи эса давлат идоралари фаолияти ҳақидаги ахборот ҳаммага ҳам очиқ эмаслигини ва улардан барча бирдек фойдалана олмаслигини айтишган.

Сўровнома иштирокчиларининг 81,4 фоизи мамлакатда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга барҳам беришда самарали чоралар кўрилмоқда, деб ҳисоблаган. Респондентларнинг 80,6 фоизи фикрича, юртимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, хавфсизлиги юқори даражада таъминланган.

Сўралганларнинг 78,5 фоизи пенсиялар, стипендиялар ва нафақаларнинг ўз вақтида тўланишидан қониқиш билдирган. Респондентларнинг 75 фоизи улар яшаётган ҳудудда тадбиркорлик ҳамда фермерлик фаолияти учун зарур ва қулай шарт-шароитлар яратилгани, 72,7 фоизи эса ёлғиз ва кексаларга, ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий ҳамда тиббий ёрдам борасидаги саъй-ҳаракатларни ижобий баҳолаган.

Иштирокчилар бирламчи тиббий муассасаларнинг ўз вақтида ҳамда сифатли хизмат кўрсатишни таъминлашида сезиларли ўзгаришлар юз бергани, шунингдек, йўловчи транспорти иши ва электр қуввати, газ, ёқилғи таъминоти яхшиланганини қайд этишган.

Тадқиқот жараёнида бандлик масаласи ҳамон долзарблик касб этаётгани, ўтган йилнинг биринчи чорагида фуқаролар-

Давоми 2-бетда.

Йил дастури лойиҳаси муҳокамада

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинди.

Дастур лойиҳаси 237 та банддан иборат бўлиб, Президентимизнинг 2017 йил 22 декабрь куни Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида кўрсатилган асосий ғоя ва таклифлар ҳамда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган асосий вазифалар инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

Лойиҳанинг умумхалқ муҳокамаси Президентимизнинг 2017 йил 28 декабрдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармойишига кўра ўтказилиши режалаштирилган. Бунда кенг жамоатчилик вакиллари, маҳаллий ва халқаро экспертлар иштирокида турли анжуман ва давра суҳбатлари ташкил этилиши мўлжалланган. Шунингдек, муҳокамалар оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда ҳам ўтказиб борилади. Давлат дастури лойиҳаси жамоатчилик муҳокамалари натижаларининг таҳлили ва келиб тушган таклифлар асосида янада такомиллаштирилиши кўзда тутилган.

Ўз мухбиримиз.

ИСЛОҲОТЛАРДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАД МАМЛАКАТИМИЗ МУДОФАА ҚУДРАТИ ВА САНОАТ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДИР

Боши 1-бетда.

Корхона маҳсулотлари “Муборакнефтгаз”, “Шўртаннефтгаз” акциядорлик жамиятлари, “Шўртангазкимё” мажмуаси каби йирик саноат корхоналари, шунингдек, Россия, Қозоғистон, Беларусь, Украинага етказиб берилмоқда.

Ўтган йили 1,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткични 2 миллион долларга етказиш режалаштирилган.

Шу мақсадда корхонани модернизация ва диверсификация қилиш орқали замонавий технологиялар асосида металлни эритиш ва қуйишга мўлжалланган янги қуюв цехи барпо этиш кўзда тутилмоқда. Умумий қиймати 18,9 миллион долларлик ушбу лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиши натижасида заводда турли номенклатурадаги қуйма маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми йилига 1,7 минг тоннадан 4 минг тоннага етказилади. Цех Европа мамлакатлари ва АҚШдан келтирилган ускуналар билан жиҳозланади. Лойиҳа 2019 йилнинг учинчи чорагида ишга туширилади.

Давлатимиз раҳбари “Ўзбеккимёмаш” ва Чирчиқ трансформатор заводларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди. Маҳсулот турлари ва экспорт кўламини кенгайтиришда бундай янги қувватлар муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Шу ерда Чирчиқ шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган қатор дастур ва лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Бугунги кунда Чирчиқда 300 дан ортиқ саноат корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Шаҳарни 2018-2019 йилларда иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида 80 га яқин лойиҳа амалга оширилади. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми 1,6 баробар ошиб, 3 мингга яқин иш ўрни яратилади.

Шаҳарнинг 2035 йилгача мўлжалланган бош режасига мувофиқ, ўтган йили 7 қаватли 3 уй қуриб битказилди. Жорий йил ана шундай 5 та, келгуси йил 10 та турар жой барпо этилади. Бундан ташқари, 2018 йилнинг март ойида ҳарбийлар учун 3 қаватли 8 ва йил охиригача 10 та уй қуриб фойдаланишга топширилади.

Чирчиқ деҳқон бозори ўтган асрнинг 50-йилларида барпо қилинган бўлиб, бугунги кун талабларига жавоб бермай қолган. Тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига савдо-сотиқ учун кенг қулайликлар яратиш мақсадида уни реконструкция қилиш кўзда тутилмоқда. Қиймати салкам 22 миллиард сўм бўлган мазкур лойиҳа самарасида 3,7 гектар ерда янги бозор барпо этилади. Бозор ҳудудида уч қаватли гипермаркет, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишга мўлжалланган павильонлар, савдо расталари, автомобиллар турар жойи, автобус ва микроавтобуслар учун бекатлар қурилади.

Бундан ташқари, “Ўзбеккимёмаш” заводи томонидан 2,5 гектарлик “Машинасозлар” истироҳат боғини реконструкция қилиш ва жорий йил Мустақиллик байрамигача фойдаланишга топшириш режалаштирилмоқда. Шаҳар ҳудудидан ўтувчи Бўзсув канали қирғоғи ободонлаштирилиб, аҳолига кечки пайт ҳордиқ чиқариш учун сайлгоҳлар ташкил этилади.

Тошкент – Хўжакент йўналишида қатновчи электропоездлар ўрнига замонавий тезюрар электричкалар ҳаракатини йўлга қўйиш ҳам истиқболли йўналишлардан бўлиб, аҳоли фаровонлиги ва Тошкент вилоятининг туристик салоҳиятини оширишда муҳим қадамлардан бўлади. Бунинг учун Чирчиқ шаҳридаги “Чирчиқ” ҳамда “Бўзсув” темир йўл бекатлари замонавий андозалар даражасида янгидан барпо этилади.

Президентимизга Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтлари биноларини реконструкция қилиш, янги ўқув бинолари, спорт иншоотлари, талабалар турар жойлари қуриш, Тошкент – Қибрай – Чирчиқ – Ғазалкент ва Чирчиқ – Ғазалкент автомобиль йўлларида тирбандликни камайтириш, Пском ГЭСи ва тўғонини барпо этиш, Чорвоқ ГЭСи хавфсизлигини ошириш лойиҳалари ҳам тақдим этилди.

Давлатимиз раҳбари Чирчиқ шаҳри ўз имкониятлари ва салоҳиятига кўра, мамлакатимизнинг йирик саноат марказларидан бири экани, бинобарин, ҳар бир лойиҳада ишлаб чиқариш структураси ва аҳоли турар жой шароитини яхшилашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади. Лойиҳалар самарадорлигини ошириш бўйича тегишли кўрсатмалар берди.

Заводнинг фаоллар залида ишчи-мутахассислар, Чирчиқ шаҳри жамоатчилиги вакиллари, нуронийлар, ёшлар билан ўтказилган учрашувда шаҳарда амалга оширилаётган ўзгаришлар моҳияти, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, ёшлар таълим-тарбияси масалалари хусусида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев шу куни пойтахтимиздаги Қуролли Кучлар академиясига ташриф буюрди.

Маълумки, Президентимиз 2017 йил январь ойида Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида бўлиб, мазкур билим юрти замирида мутлақо янги Қуролли Кучлар академиясини ташкил этиш бўйича топшириқлар берган эди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 25 апрелдаги қарори билан Қуролли Кучлар академияси қайта ташкил қилинди.

Мазкур ҳарбий ўқув маскани Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг шонли ҳарбий анъаналари, мамлакатимизнинг етакчи илмий-таълим муассасалари илғор тажрибасини ўзида қамраб олган.

Бугун академия мамлакатимизда жорий этилган ҳарбий таълимнинг ягона тизимида асосий ўринни эгаллайдиган, том маънода ҳарбий илм-фан марказига айланди. Академияда лейтенантлар тайёрлаш, офицерлар малакасини ошириш, армия бошқарув таркибидаги қўмондонлик кадрларини махсус тайёргарликдан ўтказиш ишлари йўлга қўйилган. Бу ерда умумқўшин, қўмондонлик-штаб, малака ошириш факультетлари, ўн битта кафедра фаолият юритмоқда.

Курсант ва тингловчилар ҳарбий, гуманитар, аниқ фанлар бўйича таълим олади. Академияда ўқув жараёни хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси асосида ташкил қилинган. Таълим жараёнига энг янги усул ва технологиялар жорий этилган. Аудиториялар замонавий тренажёрлар, ўқув-лаборатория ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозланган.

Президентимиз академияда яратилган шароитлар билан танишди. Ўқув хоналари, музей, ошхона, курсантлар ётоқхоналарида бўлиб, уларнинг таълим олиши, ҳарбий машғулотларни бажариши жараёнини кўздан кечирди.

Академия тингловчиларининг касб маҳорати, интеллектуал даражаси ва маданиятини янада ошириш учун барча шароитларни яратишимиз даркор, деди Шавкат Мирзиёев. Бу жараёнда ҳарбий билим юртида таълим олишнинг замонавий услубларини жорий этиш, юксак ақл-заковатли кадрлар тайёрлашга эътибор қаратиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони ташаббуси билан ташкил қилинган “Темурбеклар мактаби”да таҳсил олган ёшлар ҳам мазкур академияда ҳарбий таълимни давом эттириб, малакали офицерлар бўлиб хизматга киришади.

Бундан ташқари, барча олий ҳарбий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркибини тайёрлаш, жумладан, уларнинг хориждаги етакчи олий таълим муассасаларида малака ошириши бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган.

Давлатимиз раҳбари тингловчилар ва курсантлар билан суҳбатлашди. Қуролли Кучлар ташкил этилганининг 26 йиллиги билан табриклади. Улар аждодларимизга муносиб авлод бўлиб, замонавий билимларни пухта эгаллаши лозимлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Қуролли Кучлар академиясининг ситуацион марказида бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

ЎзА

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲАЁТБАХШ НАТИЖАСИ

Боши 1-бетда.

нинг 38,3 фоизи ишга жойлашиш ўзи учун ҳаётида ҳал қилувчи аҳамият касб этганини билдиришган. Тўртинчи чоракда сўралганларнинг 29,1 фоизи ушбу муаммонинг ўткирлигини кўрсатган. Респондентлар фикрига кўра, муносиб иш ҳақи тўланадиган яхши, барқарор ишни топиш анча мураккаб ва меҳнат бозоридаги таклиф талабга нисбатан анча кам.

Таҳлиллар аҳолини ёқилғи (газ, кўмир ёки ўтин) билан таъминлаш соҳасидаги амалий ишлар ўз натижасини бераётганини кўрсатган. Айни пайтда тоза ичимлик сув йўқлиги ёки етишмовчилигига дуч келаётган фуқаролар фоизи камайган (биринчи чоракда бу 20,9 фоизни ташкил этгани ҳолда, йил охирига келиб 17,7 фоизга тушган). Бироқ Бухоро, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлари аҳолисининг ярмидан кўпи сифатли ичимлик сув ўз вақтида ва узлуксиз берилмаётганини қайд этишган.

Маълум бўлишича, сўралганлар орасида уй-жойга муҳтожлар 21,9 фоиздан 17,2 фоизга камайган. Шу билан бир қаторда, сифатли таълим олиш ва олий ўқув юртида ўқиш ҳақини тўлаш, малакали тиббий хизмат ҳамда дори-дармон сотиб олиш, коммунал тўловларни ўз вақтида тўлаш фуқароларнинг айрим тоифалари учун муайян қийинчиликлар туғдираётган экан.

Шахсий турар жойлар учун кўрсатилаётган коммунал хизматлар сифати ҳамда барқарорлиги билан боғлиқ саволга 55,6 фоиз респондент марказлашган иситиш тизими хизматидан мунтазам фойдаланиш имкониятига эга эмаслигини билдирган. Кўпчилик, яъни 80,9 фоиз иштирокчи шаҳарларда ҳам, қишлоқларда ҳам аҳолига электр энергиясини узлуксиз етказиб бериш бўйича вазият яхшиланганини баён қилишган.

Мутахассислар тадқиқот натижасига кўра, айрим ҳудудларда коммунал хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятини замонавий талаб ва меъёрларга мос тарзда янада модернизациялаш ҳамда такомиллаштириш айни зарурат эканидан далолат бераётганини қайд этишган. Шунингдек, фуқароларимизда давлат идоралари фаолиятидан қониқиш ҳисси ортиб бораётгани, аҳоли фаровонлигини юксалтириш мақсадларига йўналтирилган ислоҳотлар ҳаётбахш натижалар бераётгани айтилган.

Г.МУРОДАЛИЕВА тайёрлади.

БИРЛАШГАН – ЎЗАР, БИРЛАШМАГАН – ТЎЗАР

– 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни, ўзаро меҳр-оқибат ришталарини янада мустаҳкамлаш масаласига алоҳида ўрин ажратилган, – дейди Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги 1-сонли академик лицей директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Содиқ Назаров. – Асосий эътибор юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-хотиржамликни қадрлашга ва кўз қорачиғидек асраб-авайлашга қаратилган. Зеро, тарих синовларидан муваффақиятли ўтиб келаётган миллий сиёсатимизнинг бош мақсади юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ва эркинлиги, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик ва бирдамлик, диний бағрикенгликни таъминлашдан иборатдир. Бу эса барча миллату элатлар манфаатларига тўла-тўкис мос келади ва уларнинг эмин-эркин яшаши учун мустаҳкам замин яратади.

Шу боис юртимиз тинчлигининг, Ватанимиз равнақининг муҳим омили саналмиш миллатлараро дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлаш ҳамиша долзарб вазифа сифатида илгари сурилмоқда. Бундай эзгу ғоянинг мазмун-моҳиятини ёш авлод онгига изчил равишда сингдириб бориш уларни миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда беқиёс аҳамият касб этади. Бу ишда, энг аввало, таълим муассасалари фаол қатнашишлари лозим. Биз таълим-тарбия жараёнида масаланинг ана шу жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда иш юритаяпмиз.

Ҳозир академик лицейимизда 12 миллат фарзандларидан иборат 1300 нафар ўқувчи таҳсил кўрмоқда. Уларга 11 миллатга мансуб устоз-мураббийлар сабоқ беришмоқда. Шунингдек, миллий-маданий марказлар ҳамкорлигида “Ўзбекистон – ягона Ватан”, “Ўзбекистон – умумий уйимиз”, “Миллатлараро тотувлик – барқарорлик кафолати”, “Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз” каби мавзуларда давра суҳбатлари, учрашувлар, мулоқотлар, маънавий-маърифий тадбирлар уюштиришмоқда.

Бу саъй-ҳаракатлар ёшлар ўртасида бирдамлик муҳитини барқарорлаштиришда, уларни инсонпарварлик, тинчликпарварлик ва байналмилалчилик руҳида тарбиялашда, илм-маърифат ва бунёдкорликка ундашда қўл келмоқда.

Абдурасул САТТОРОВ ёзиб олди.

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

ШАРАФЛИ КАСБ СОҲИБИ

Мустақиллигимизнинг 26 йиллиги арафасида турли соҳаларда самарали фаолият юритиб, мамлакатимиз тараққиётига катта ҳисса қўшиб келаётган ҳамюртларимиздан бир гуруҳи давлат мукофотлари билан тақдирланганди. Бундай ҳурмат-эҳтиромга лойиқ кўрилганлар сафида подполковник Қодиржон Турсунов ҳам бор эди. У миллий мудофаа салоҳиятини юксалтириш ва Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги фидойилиги учун II даражали "Шон-шараф" ордени билан тақдирланганди.

– Юксак мукофотни Конституциямизнинг 25 йиллиги нишонланаётган шукуҳли дамларда Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондонидан қабул қилар эканман, эл-юрт тинчлигини асраб-авайлашдек ниҳоятда масъулиятли вазифани адо этаётганимдан қалбим яна бир бор ҳаяжон ва ғурурга тўлди, – дейди Қодиржон. – Энг муҳими, бугунга келиб, армиямиз фаолиятидаги ўзгаришлар янги босқичга кўтарилди. Айниқса, Каттақўрғонда ўтказилган тезкор тактик ўқувлар жараёнида давлатимиз раҳбари белгилаб берган вазифалар бўйича жиддий ишлар амалга оширилмоқда. Чет эллар армияларининг илғор тажрибалари асосида янги, замонавий жанг усуллари ишлаб чиқилмоқда. Тунги ва ўта муҳим шароитларда ўтказиладиган машғулотлар такомиллаштирилмоқда. Бундан ташқари, ҳарбийларимиз ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларида ҳам фаол қатнашмоқдалар. Ишончим комилки, армиямиз Ватанимиз тинчлигини бузишга қаратилган ҳар қандай ёвуз ҳаракатларга қатъий ва кескин зарба бера олади.

Қодиржон Нуробод туманидаги Жом қишлоғида туғилган. 2000 йили Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртини, 2009 йили эса Қуролли Кучлар академиясини битирган. Нуробод туманидаги у ўқиган 21-мактабда Иккинчи жаҳон урушида қаҳрамонларча ҳалок бўлган бобоси Бурҳон Турсуновнинг бюсти ўрнатилган. У киши ўз даврининг маърифатпарварларидан бири бўлган. Самарқанд давлат университетида атоқли давлат арбоби Шароф Рашидов билан бирга таҳсил олган. Талай шеърлар ва ҳарбий мавзуда очерклар ёзган. Ғалабага саноқли кунлар қолганда жанг майдонида шаҳид кетган.

Ана шу инсоннинг невараси бўлмиш Қодиржон ҳарбийлик касбини танлади. Вақт ўтиши билан шу соҳанинг етук мутахассислари қаторига қўшилди. Фидокорона хизматлари эвазига 2006 йили "Жасорат" медали соҳибига айланди. Кейинчалик "Энг илғор мутахассис" кўрик-танловининг республика босқичида ғолибликни қўлга киритди. "Энг илғор гуруҳ командири", "Энг илғор взвод командири" номинациялари бўйича ҳам фахрли ўринларни эгаллади. Қаторасига уч йил "Энг илғор батальон командири" номинацияси бўйича биринчиликни қўлдан бермади. Хорижий мамлакатлар ҳарбийлари иштирокидаги бир нечта илмий-амалий анжуманда ҳам фаол қатнашди.

Бугунга қадар турли ҳарбий қисмларда ҳар хил лавозимларда хизмат қилган Қодиржон Турсунов ҳамиша билимдонлиги, довюраклиги, ҳарбий машқларни аъло даражада бажариши билан ҳамкасбларига ўрнак бўлиб келди. Сўнгра икки йил ҳарбий қисмга командирлик қилди. Ҳозир округ қўшинлари командири ўринбосари сифатида хизматини давом эттиряпти.

Абдурасул САТТОРОВ.

ХУСУСИЙ БОҒЧАЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛАР

Мактабгача таълим соҳаси узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўғини ҳисобланиб, у ҳар томонлама соғлом ва баркамол болаларни тарбиялаш ва мактабга тайёрлашда ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис, давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан мазкур соҳанинг тубдан ислоҳ қилинишига алоҳида эътибор қаратилиб, муҳим ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Бундай ҳужжатлар болалари тақдирига бефарқ бўлмаган, уларнинг илмли, дунёқараши кенг инсонлар бўлиб тарбияланиши ниятида юрган ота-оналар кўнглидаги орзуларнинг амалга ошишида асосий омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Тан олиш керак, кейинги йилларда мактабгача таълим тизими аҳолининг талаб ва эҳтиёжларига тўлиқ жавоб беролмай қолган эди. Болаларни мактабгача таълимга жалб этиш кўрсаткичининг пастлиги, мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базаси, кадрлар билан таъминланиши, уларнинг салоҳияти, услубий таъминоти замон талабларидан орқада қолиб кетганлиги ҳам рост гап.

Шу боис ҳам давлатимиз раҳбари ўзининг қатор чиқишларида ушбу соҳани яхшилаш мақсадида бир қанча вазифаларни белгилаб берди.



Айни пайтда Президентимизнинг бир қатор фармон ва қарорлари, шунингдек, Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган дастур ҳамда республикада мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича "Йўл харитаси" асосида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, боғчаларда болаларни соғлом овқатлантириш ва уларга берилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини яхшилаш мақсадида 2018 йилдан бошлаб ҳар бир мактабгача таълим муассасасига 10-15 нафар фермернинг бундай маҳсулотларни арзон нархларда етказиб бериш учун бириктирилиши, болалар боғчаларига тайёр сифатли иссиқ овқат етказиб берадиган давлат корхонасининг ташкил этилиши, "Кетринг" хизматини йўлга қўйиш механизмининг ишлаб чиқилиши катта аҳамиятга эга.

Президентимиз томонидан биринчи маротаба мамлакатимиз парламентига тақдим этилган Мурожаатномада ҳам бу масалага алоҳида урғу берилди. Зеро, бошланган йилда ушбу соҳадаги ишлар давом эттирилиб, мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жумладан, яқин 3-4 йилда барча ҳудудларда минглаб янги боғчалар қуриш, таълим-тарбия сифати ва даражасини янги босқичга кўтариш режалари белгилаб олинди.

2018 йил 1 январдан бошлаб 5 йил давомида хусусий боғчалар томонидан табиий газ ва электр энергияси учун сарфланадиган маблағнинг ярми давлат бюджети ҳисобидан қопланиши тадбиркорларни руҳлантириб юборди. Бу тадбиркорлар учун яна бир қулай имкониятдир. Хусусий боғчаларга давлат томонидан бериладиган бундай имтиёз тегишли тўловларнинг арзонлашишига олиб келади.



Ушбу механизм Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва унинг тизимидаги муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги қарори асосида амалга оширилади.

Қарорга мувофиқ, Мактабгача таълим вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари моддий техника базасини мустаҳкамлаш учун Давлат бюджетидан 21,0 млрд.сўм маблағ ажратилиши, таълим бўйича глобал ҳамкорлик гранти – беғараз техник кўмагидан фойдаланган ҳолда мактабгача ва умумий ўрта таълимни такомиллаштириш лойиҳаси доирасида 2018 йилда мазкур таълим муассасалари учун жами 2 453,0 минг АҚШ долларилик товар ва хизматлар етказиб берилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, Тошкент шаҳридан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларнинг туманлари ҳамда шаҳарларида бинолар инвестиция мажбуриятларини бажариш шарти билан "ноль" харид қийматида берилиши ҳам алоҳида эътирофга молик.

Нодавлат мактабгача таълим муассасалари томонидан фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ хизматлари учун давлат бюджетидан ойлик компенсацияларни тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда эса таълим муассасасининг молия органларига ариза билан мурожаат қилиши тартиби белгиланган. Молия органи мурожаатни ариза тушган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида кўриб чиқиши ва аризани қаноатлантириш ёки рад этиш бўйича қарор қабул қилиши ҳамда қарорни икки иш кунидан кечиктирмай ёзма ёки электрон ахборот тизими орқали таълим муассасасига етказиши шартлиги кўрсатиб ўтилган. Таълим муассасаси эса ушбу хизматларни етказиб берувчи ташкилотлар билан 12 ойга шартнома тузиши қайд этилган.

Бу каби чораларнинг, нодавлат таълим муассасалари учун берилаётган имтиёзларнинг барчаси фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашга қаратилган. Биз депутатлар жойларда бўлганимизда яратилаётган бундай шароитларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка, тадбиркорларга, ҳар бир оилага етказишда масъулликни янада кучайтиряпмиз.

Одинахон ЖАМОЛДИНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ТАШКЕНТ И ШЫМКЕНТ СВЯЗАЛ ПРЯМОЙ АВТОБУСНЫЙ РЕЙС

Узбекское агентство автомобильного и речного транспорта открыло прямое автобусное сообщение между Узбекистаном и Казахстаном по маршруту Ташкент – Шымкент – Ташкент.

Между автовокзалами «Тошкент» (Узбекистан) и «ШКААВ» (Казахстан) с 8 января 2018 года курсируют комфортабельные пассажирские автобусы класса люкс – Higer и Mercedes-Benz, с приоритетным порядком прохождения погранично-пропускных пунктов «Гишт Куприк» и «Жибек Жолы». Стоимость проезда обозначена пока со скидкой.

Знаменательное событие началось с торжественной церемонии открытия международного маршрута на автовокзале «Тошкент». По ее окончании стартовал пилотный рейс, участниками которого стала делегация, в состав которой вошли представители ведомств и СМИ во главе с заместителем начальника УААРТ Шоалимом Шовахабовым.

ЦЕРЕМОНИЯ ОТКРЫТИЯ

Торжественная церемония в столичном автовокзале «Тошкент» прошла на высокой ноте. По традиции, призывно оповестили о начале большого празднества звуки узбекских национальных инструментов карнаев и сурнаев. Центральным местом действия стала площадка здания вокзала, нарядно оформленная красивыми тканевыми драпировками и цветочными композициями, а также коврами и гигантским белоснежным покрытием.

Выступления официальных лиц были содержательными и лаконичными: восстановление после многолетнего перерыва пассажирских автобусных перевозок, ставшее возможным благодаря договоренностям на высшем уровне, открыло новую эпоху во взаимоотношениях двух государств, стало очередным шагом по пути дальнейшего укрепления традиционно дружеских отношений между двумя братскими народами. Как известно, в ходе государственного визита Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева в Казахстан 22-23 марта 2017 года, а также 29 апреля 2017 года в Южно-Казахстанскую область достигнут ряд договоренностей: «…увеличение взаимного торгового оборота до 5 миллиардов долларов», «…повышение эффективности двухстороннего транспортного движения». И сегодня эта договоренность начинает реализовываться на практике.



Помимо этого, событие видится знаменательным также в том плане, что между хокимиятом Ташкента и акиматом Шымкента в мае прошлого года подписан меморандум о сотрудничестве. Документом предусматривается открытие в столице Южно-Казахстанской области Торгового дома города Ташкента, а также развитие торгово-экономических и культурных связей между двумя городами.

В ДОБРЫЙ ПУТЬ

Первый автобус знаменательного рейса выехал с автовокзала «Тошкент» ровно в 8:00 по ташкентскому времени. По столичным улицам вплоть до КПП «Гишт Куприк» едем в сопровождении машины патрульно-постовой службы, сотрудники которой следуют впереди пассажирского автобуса на небольшом расстоянии, тем самым идеально обеспечивая беспрепятственное следование автотранспорта, исключая даже малейшие попытки вклиниться на пути и помешать движению. С



ангелами-хранителями из ППС расстаемся только на подъезде к контрольно-пропускному пункту, где наступает черед удивляться уже специально организованному – с целью ускоренного прохождения необходимых процедур – залу для пассажиров автобусного рейса. Здесь царят непривычные для КПП тишина и полное отсутствие суеты, толкотни, давки и людского гомона.

В считанные минуты мы заполняем бланки деклараций и въезжаем на казахстанскую территорию. В таком же специально организованном с казахстанской стороной зале на КПП «Жибек Жолы» и таком же режиме экспресс-порядка мы заполняем необходимые документы и миграционную карту, дающую право на 5-дневное пребывание в Казахстане, и трогаемся в Шымкент.

Здесь привычный урбанистический вид сменяют живописнейшие природные просторы. Радуют глаз и наполняют душевной легкостью виды заснеженных гор, бескрайней степи и гладкого, словно зеркало, дорожного полотна.

Наступает момент расслабиться в созерцательном спокойствии в своих откидных креслах, к тому же снабженных удобными подставками для ног. Движение практически не ощущается: кажется, что ты не едешь, а будто паришь на крыльях. Несколько часов пути по живописной местности пролетают, словно сказочный сон.

ШЫМКЕНТ: КРУПНЫЙ ПЛАН

Не успев настроиться на долгую дорогу, мы уже въезжаем в Шымкент, где по приезде нас ждал ошеломительный по радушию и гостеприимству прием. Порадовали и голландские розы на выходе из автобуса для каждой участницы маршрута, и целое море флажков, и радостные улыбки встречающих. Главным украшением на месте проведения официальной церемонии стал гигантский баннер с запечатленным изображением дружеского рукопожатия президентов Узбекистана и Казахстана – Шавката Мирзиёева и Нурсултана Назарбаева.

Состоялись выступления официальных лиц, праздничная концертная программа, в которой прозвучали народные песни на двух языках, а также были представлены национальные танцы. Встреча на казахстанской земле прошла в самой теплой и радушной атмосфере.

Как отметил председатель ассоциации узбеков Республики Казахстан «Дустлик» Икром Хошимжонов: «Сегодня исторический день: между нашими странами восстановлено автобусное сообщение. Это является очередным примером укрепления сотрудничества между странами. Мы – братские народы, имеем схожую историю и традиции, поэтому мы связаны крепкими узами». По словам принимавших участие в торжественной церемонии встречи представителей казахстанской общественности, объявление 2018 года в Казахстане Годом Узбекистана служит делу выведения традиционно дружественных отношений на новый уровень.

Последовавшая после церемонии экскурсия для многих стала настоящим открытием Шымкента – одного из городов Великого шелкового пути, в котором сегодня гармонично соседствуют прошлое и современность, памятники старины и суперсовременные здания.

Нам показали фонтан «Тюльпан», университет имени Мухтара Ауезова, спортивный комплекс «Денсаулык», центральный парк с символом Шымкента – фонтаном «Одуванчик», аллею имени казахстанского композитора Шамшы Калдаякова, автора стихов Государственного гимна Казахстана, проспект писателя Бауыржана Мамышулы, Дворец бракосочетания, зоопарк, в котором насчитывается 1 600 животных, 500 видов рыб, дендропарк.

В списке достопримечательностей Шымкента мы также увидели: Парк независимости и его главное украшение – поющий фонтан, железнодорожный вокзал, площадь Ордыбасы с 34-метровым трехгранным монументом «Отан Ана». Также здесь возвышается построенная в 1850 году ферганскими мастерами мечеть Абдул Хамида Каттани.

В числе известных городских мест – старинная центральная улица Казыбек-би, Историко-краеведческий музей, открытый еще в 1920 году, Казпочта, старейшее пожарное депо, Казахский драматический театр, библиотека «Отырар» с фондом из более 600 тысяч книг, филармония и южноказахстанский цирк.

Из памятников наиболее известны монумент Шанарык из стальных конструкций, мемориал Касырет в память о жертвах политических репрессий 30-х годов, 23-метровый памятник Байдибек-би, близкого друга Амира Темура, который активно участвовал в возведении мавзолея и мечети ходжи Ахмада Яссавий, памятник Абаю Кананбаеву.

В годы Второй мировой войны в Шымкент были эвакуированы 17 заводов и фабрик, а на построенном в 30-е годы свинцовом заводе выпускали пули для фронта. Сегодня на месте химических заводов появились мирно соседствующие с историческими достопримечательностями новые жилые многоэтажные комплексы, современные микрорайоны, в числе которых БАМ, Туркестанский, Нурсат, Туран, многочисленные торгово-развлекательные центры, 5-звездочные отели, Назарбаев-школа, Ледовый дворец, 16-этажное здание областного хокимията. В рамках возводимого сегодня Шымкент-сити запланировано строительство более 300 многоэтажек.

На смотровой площадке памятника Байдибек-би мы делаем краткую передышку. Далее поездка продолжилась торжественным обедом, который по традиции увенчал бешбармак, а завершилась посещением одного из крупнейших торговых центров.

Без всякого сомнения, прямой автобусный рейс в Шымкент послужит для ташкентцев не только возможностью совершить дешевый шопинг, как утверждают многие СМИ, но и открыть богатый мир истории и традиций, станет еще одной гранью диалога культур.

Надежда ЛИ.
Фото – Заретта ИБРАГИМОВА.

Ташкент – Шымкент – Ташкент.

Новогодние приключения Деда Мороза и Снегурочки

Великолепный новогодний подарок сделали детям артисты Наманганского областного театра драмы и комедии в виде сказочного спектакля «Корбобонинг совгаси», премьера которого состоялась на Президентской елке. По сюжету, здесь было задействовано множество действующих лиц – разбойников, диких зверей и пр. Деду Морозу и Снегурочке пришлось пережить немало приключений под Новый год.

На Президентскую елку пришли представители активной молодежи, воспитанники детского дома №26 «Мехрибонлик», дети из малообеспеченных и нуждающихся семей, потерявших кормильца. Гостей тепло поздравил с праздником хоким области Хайрулло Бозаров. Он вручил всем детям новогодние Президентские подарки, где были различные учебные принадлежности и сладости. Далее состоялся концерт мастеров искусств, затем торжество продолжилось за празднично накрытым столом в ресторане «Боги эрам».

Алтынбек БАЙБУЛАТОВ.

BIZNES Daily

БИРЖА

2018 йил 11 январь № 3 (2326)

❍ Биржа савдолари натижалари
❍ Биржа бюллетенлари
❍ Котировкалар, листинглар
❍ Танлов ва тендерлар
❍ Қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг муҳим фактлари
❍ Банкротлик
Илова: эълонлар бепул тарқатилади.

Диққат! Диққат! Диққат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, хорижий сармоядорлар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси тўғридан-тўғри музокаралар йўли билан ўтказиладиган офертага таклиф этади

I. 2018 йил 26 январь куни ўтказиладиган офертага қуйидаги давлат активлари қуйилади:

1. Қашқадарё вилояти, Қамаши тумани, Навоий МФЙ, Гулшаний кўчаси, 27-уй манзилида жойлашган "Қамаши туманлараро улгуржи чакана савдо ишлаб чиқариш" масъулияти чекланган жамиятининг 25 фоиз давлат улуши бўйича: давлат улушига 189 518 916 (бир юз саксон тўққиз миллион беш юз ўн саккиз минг тўққиз юз ўн олти) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш.

2. Қашқадарё вилояти, Муборак тумани, Янгиҳаёт қишлоғида жойлашган, Муборак тумани Ободонлаштириш бошқармасига қарашли фойдаланилмаётган болалар боғчаси бино ва иншоотлари бўйича: объектга 228 654 104 (икки юз йигирма саккиз миллион олти юз эллик тўрт минг бир юз тўрт) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш.

3. Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Савбоғ қишлоғида жойлашган, Ғузор тумани Ободонлаштириш бошқармасига қарашли собиқ "Лочин" номли болалар боғчаси бино ва иншоотлари бўйича: объектга 179 370 801 (бир юз етмиш тўққиз миллион уч юз етмиш минг саккиз юз бир) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш.

4. Қашқадарё вилояти, Касби тумани, Чўлқувар қишлоғида жойлашган, Касби тумани Ободонлаштириш бошқармасига қарашли собиқ 10-сонли "Гулистон" номли болалар боғчаси бино ва иншоотлари бўйича: объектга 242 915 234 (икки юз қирқ икки миллион тўққиз юз ўн беш минг икки юз ўттиз тўрт) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш.

5. Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, Кўкдала ҚФЙ, Кўкдала қишлоғида жойлашган "Кўкдаласавдо" масъулияти чекланган жамиятининг 25 фоиз давлат улуши бўйича: давлат улушига 182 441 930 (бир юз саксон икки миллион тўрт юз қирқ бир минг тўққиз юз ўттиз) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш.

6. Қашқадарё вилояти, Касби тумани, Мўғлон қишлоғида жойлашган "Касби нон ишлаб чиқариш" масъулияти чекланган жамиятининг 24,97 фоиз давлат улуши бўйича:

давлат улушига 222 367 295 (икки юз йигирма икки миллион уч юз олтмиш етти минг икки юз тўқсон беш) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш.

7. Қашқадарё вилояти, Нишон тумани, Нишон ҚФЙ-да жойлашган Нишон тумани "Тайёрловсавдо" масъулияти чекланган жамиятининг 25 фоиз давлат улуши бўйича: давлат улушига 237 055 657 (икки юз ўттиз етти миллион эллик беш минг олти юз эллик етти) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш.

8. Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Бешкент йўли, 3-км. да жойлашган "Давр темир-бетон сервис" масъулияти чекланган жамиятининг 10 фоиз давлат улуши бўйича:

давлат улушига 1 165 492 697 (бир миллиард бир юз олтмиш беш миллион тўрт юз тўқсон икки минг олти юз тўқсон етти) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш.

9. Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Насаф кўчаси, 325-уйда жойлашган "Қарши санитар тозалаш" масъулияти чекланган жамиятининг 25 фоиз давлат улуши бўйича: давлат улушига 64 213 099 (олтмиш тўрт миллион икки юз ўн уч минг тўқсон тўққиз) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш.

10. Қашқадарё вилояти, Китоб тумани, Қайнарбулоқ ҚФЙ, Рус қишлоғи манзилида жойлашган "Китоб автойўл" масъулияти чекланган жамиятининг 25 фоиз давлат улуши бўйича: давлат улушига 397 000 000 (уч юз тўқсон етти миллион) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш.

Мазкур 10 та объектларнинг оферта савдолари 2018 йилнинг 26 январда, ушбу кундаги савдода отилмаган тақдирда 2018 йил 12, 28 февраль, 16 март кунлари соат 11.00 да, Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Амир Темур кўчаси, 43-уйда, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармасининг мажлислар залида бўлиб ўтади.

II. 2018 йил 12 февраль куни ўтказиладиган оферта савдосига қуйидаги давлат активлари қуйилади:

1. Қашқадарё вилояти, Қамаши тумани, Навоий МФЙ ҳудуди, Ифтихор шоҳкўчасида жойлашган "Қамаши автошоҳбекати" давлат унитар корхонаси.

Офертага қўйилган давлат активининг тавсифи: умумий ер майдони - 7351,54 м², бино ва иншоотларнинг умумий майдони – 728,88 м².

Бошланғич баҳоси – 728 378 108 (етти юз йигирма саккиз миллион уч юз етмиш саккиз минг бир юз саккиз) сўм.

Баланс сақловчи: "Қамаши автошоҳбекати" давлат унитар корхонаси.

Фаолият ихтисослиги: Транспорт хизмати.

2. Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани, Жамбул МФЙ, Саховат кўчасида жойлашган, "Яккабоғ" давлат унитар автошоҳбекати.

Офертага қўйилган давлат активининг тавсифи: умумий ер майдони - 7868,16 м² , бино ва иншоотларнинг умумий майдони – 985,87 м².

Бошланғич баҳоси - 855 250 735 (саккиз юз эллик беш миллион икки юз эллик минг етти юз ўттиз беш) сўм.

Баланс сақловчи: "Яккабоғ" давлат унитар автошохбекати.

Фаолият ихтисослиги: Транспорт хизмати.

3. Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, "Буюк карвон йули" МФЙ, Чорвадорлар кўчасида жойлашган, "Ғузор авто транс сервис" шўъба корхонаси.

Офертага қуйилган давлат активининг тавсифи: умумий ер майдони – 8352,88 м² , бино ва иншоотларнинг умумий майдони – 873,43 м².

Бошланғич баҳоси – 955 643 943 (тўққиз юз эллик беш миллион олти юз қирқ уч минг тўққиз юз қирқ уч) сўм.

Баланс сақловчи: "Ғузор авто транс сервис" шўъба корхонаси.

Фаолият ихтисослиги: Транспорт хизмати.

Мазкур давлат активларига қўшимча юкламалар тўғрисида маълумот:

– энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;

– энг юқори миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;

– фаолият турини сақлаб қолиш мажбуриятини олиш ҳамда қонунчиликда белгиланган тартиблар асосида давом эттириш;

– сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш;

– янги иш ўринларини ташкил этиш мажбуриятини олиш;

– корхонанинг барча мажбуриятлари (молиявий, хўжалик ва ҳуқуқий) билан бирга қабул қилиб олиш.

4. "Талимаржон иссиқлик электр станцияси" УКга қарашли, Нишон тумани, Нуристон қўрғони ҳудудида жойлашган, умумий майдони 20671,5 кв.м, қурилиш майдони 619,87 кв.м бўлган "БСУ-75 бетон заводи мулкий мажмуа сифатида" бўйича: объектга 1 082 706 506 (бир миллиард саксон икки миллион етти юз олти минг беш юз олти) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш.

Мазкур 4 та объектларнинг оферта савдолари 2018 йилнинг 12 февраль куни соат 11.00 да, Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Амир Темур кўчаси, 43-уйда, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармасининг мажлислар залида бўлиб ўтади.

III. 2018 йил 26 январь куни ўтказиладиган оферта савдога қуйидаги давлат активлари қуйилади:

1. Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Косонтоғ массивида жойлашган, "Ўзгеобурғунефтгаз" АЖга қарашли, умумий майдони 742,82 кв.м, қурилиш майдони 194,58 кв.м. бўлган "Косон тоғ" майдони бўйича: объектга 178 418 517 (бир юз етмиш саккиз миллион тўрт юз ўн саккиз минг беш юз ўн етти) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш.

2. Қашқадарё вилояти, Касби тумани, Мўғлон ҚФЙ, Мўғлон қишлоғида жойлашган, Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Алишер Навоий номидаги тажриба участкасига қарашли, умумий майдони 13250,94 кв.м, қурилиш майдони 946,49 кв.м бўлган элита уруғчилик лабораторияси биноси, қоровулхона, айвонлар, омборхона ва тегирмон мулкий мажмуаси бўйича: объектга 481 711 683 (тўрт юз саксон бир миллион етти юз ўн бир минг олти юз саксон уч) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш.

3. Қашқадарё вилояти, Нишон тумани, Нуристон қўрғони ҳудудида жойлашган, "Талимаржон иссиқлик электр станцияси" унитар корхонасига қарашли, умумий майдони 16786,0 кв.м, қурилиш майдони 1817,65 кв.м бўлган "Азот-кислород станцияси" бино ва иншоотлари бўйича: объектга 1 145 356 244 (бир миллиард бир юз қирқ беш миллион уч юз эллик олти минг икки юз қирқ тўрт) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш.

4. Қашқадарё вилояти, Нишон тумани, Нуристон қўрғони, Нурчи маҳалласида жойлашган, "Талимаржон иссиқлик электр станцияси" унитар корхонасига қарашли, умумий майдони 3200,0 кв.м, қурилиш майдони 460,86 кв.м. бўлган автошоҳбекат (50 ўринли автотураргоҳ) бўйича: объектга 470 965 310 (тўрт юз етмиш миллион тўққиз юз олтмиш беш минг уч юз ўн) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш.

5. Қашқадарё вилояти, Нишон тумани, Юлдуз қўрғонида жойлашган, "Ўзгеобурғунефтгаз" АЖга қарашли, умумий майдони 4200,0 кв.м, қурилиш майдони 528,51 кв.м. бўлган маъмурий биноси бўйича: объектга 587 550 911 (беш юз саксон етти миллион беш юз эллик минг тўққиз юз ўн бир) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш.

Мазкур 5 та объектларнинг оферта савдолари 2018 йилнинг 26 январь куни соат 11.00 да, Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Амир Темур кўчаси, 43-уйда, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармасининг мажлислар залида бўлиб ўтади.

Талабгорларнинг таклифларини қабул қилиш матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ҳар куни (душанбадан жума кунига қадар соат 9.00 дан бошлаб 18.00 гача) қабул қилинади. Талабгорларнинг таклифларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Оммавий оферта натижалари эълон қилинган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоиз миқдорида олдиндан сотувчининг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлаши лозим:

олувчининг номи: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги;

олувчининг ҳисоб рақами: 23402000300100001010;

олувчининг банки: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ҲККМ;

СТИР 201122919; Олувчининг банк коди: 00014.

Талабгор томонидан кўрсатилган реквизитлар бўйича тўловлар амалга оширилганда тўлов топшириқномасининг "Тўлов мақсади" қисмида маблағлар ўтказиш учун асослар билан биргаликда "Давлат рақобат қўмитаси Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси учун 20042186010401000000000001 шахсий ҳисоб рақамига" сўзлари кўрсатилади.

Офертага қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили эълонда белгиланган муддатларда шахсан ўзи ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг офертага қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, идентификация рақами (СТИР), тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Оферта ҳужжатларига мувофиқ тузилган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги оғзи ёпиштирилган конвертларга солинган талабгор таклифлари:

– сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Мурожаат учун манзил: 180112, Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Амир Темур кўчаси, 43-уй.

14. Оқ олтин МФЙ, Наврўз кўчаси ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо дўкони объекти учун танланган ер майдони 30 кв.м. бўлиб, шундан қурилиш майдони 24 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 21 699,0 сўм. Қурилиш муддати 2 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўрни 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 50,0 млн. сўм.

15. Повулғон МФЙ, Янги йўл кўчаси ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш, совутгич ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва қуритиш цехи объекти учун танланган ер майдони 2000 кв.м. бўлиб, шундан қурилиш майдони 1500 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 1 446 600,0 сўм. Қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўрни 12 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 1 500,0 млн. сўм.

16. Оқбўйра МФЙ, Б.Марғилоний кўчаси ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган маиший хизмат кўрсатиш объекти учун танланган ер майдони 400 кв.м. бўлиб, шундан қурилиш майдони 250 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 289 320,0 сўм. Қурилиш муддати 4 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўрни 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 125,0 млн. сўм.

Сўх тумани

17. Офтобру МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган маиший хизмат кўрсатиш, болалар спорт майдончаси ва мини футбол майдончаси биноси объекти учун танланган ер майдони 2500 кв.м. бўлиб, шундан қурилиш майдони 1500 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 2 404 424,0 сўм. Қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўрни 20 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 1500,0 млн. сўм.

18. Истиқлоқ МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган молхона биноси объекти учун танланган ер майдони 500 кв.м. бўлиб, шундан қурилиш майдони 300 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 480 884,0 сўм. Қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўрни 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 300,0 млн. сўм.

Фарғона тумани

19. Миндонобод МФЙ, Миндонобод-3 массиви ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган маиший хизмат уйи объекти учун танланган ер майдони 450 кв.м. бўлиб, шундан қурилиш майдони 300 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 308 200,0 сўм. Қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўрни 10 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 310,0 млн. сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми туман, шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2018 йил 16 февраль куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Фарғона вилояти Касаба уюшмалари бирлашмаси биносининг мажлислар залида 2018 йил 19 февраль куни соат 10.00 дан топширилган таклиф ҳужжатлари очилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи белгиланган танлов кунида сотилмаган тақдирда, навбатдаги танлов савдолари 2018 йил 19 март, 19 апрель ҳамда 21 май кунлари соат 10.00 дан бошлаб бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

Навбатдаги танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш белгиланган танлов савдолари бўлиб ўтишидан бир кун олдин 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорлардан танлов ҳужжатларининг техник қисми ва лойиҳа эскизи, яратиладиган иш ўринлар, инвестиция ҳажми, хизматлар тури ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни ҳажми ва турлари, ер участкасига бўлган энг юқори тўлов, киритиладиган инвестиция ўз ҳисоб рақами ёки кредит ҳисоби бизнес режанинг мавжудлиги, агар юридик шахс бўлса, охирги йил учун аудит хулоса (мавжуд бўлса) ва охирги 2 йиллик балансларини тақдим этиш талаб қилинади. Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини “Ипотека-банк” Фарғона филиалидаги: МФО 00544, СТИР 207122519, 20208000104920609030 ҳ/р.га тўлашлари шарт.

Талабгорлардан танлов ҳужжатлари энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридаги ҳақ эвазига олинади.

Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

– жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

– танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

– танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 7-уй, вилоят Касаба уюшмалари кенгаши биноси, 47-53-хоналар. **Тел.:** 244-24-39, (0-590) 165-39-06, (0-373) 244-26-23, rieltsavdo@inbox.uz., www.1kms.uz, **лицензия:** RR-0001.

Хизматлар лицензияланган.

Солиқ чоралари қўлланилган корхоналар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 февралдаги “Тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланишларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, аввал, хусусийлаштирилган ва бугунги кунда фаолият кўрсатмаётган корхоналар ва бўш турган объектларнинг фаолиятини қайта тиклаш ва янада ривожлантириш механизми тасдиқланган.

Тошкент шаҳар Идоралараро комиссияси томонидан Тошкент шаҳридаги 90 та объектда мулкдорлар томонидан инвестицион лойиҳалар амалга оширилмаганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 февралдаги қарорида белгиланган таъсирчан солиқ чоралари қўлланилди.

Хусусан, 36 та объект мулкдорларига нисбатан қарорнинг 5-бандида белгиланган солиқ чоралари қўлланилди.

Идоралараро комиссиянинг хулосаларига кўра умумбелгиланган солиқ турига ўтказилган ва ер-мулк солиғи икки карра оширилган корхоналар РЎЙХАТИ

Т/Р	Мулк эгаси	Объект жойлашган манзили	Бўш бино-иншоотлар тўғрисида маълумот		Объект ҳолати	Идоралараро комиссиянинг хулоса санаси ва рақами
			ер майдони (кв.м.)	бино-иншоот майдони (кв.м.)		
1	“Zo’r Taasiya” МЧЖ	Миробод тумани, Савр кўчаси, 1-уй	2,79	5000	бўш турган	28.09.2017 й. №04-2408
2	“UNIMAX” МЧЖ	Олмазор тумани, Қорақамиш мавзеси, 1/2, Шамсутдинов кўчаси, 51-уй	0,96	6362	бўш турган	12.07.2017 й. №04-1535
3	“Zo’r Taasiya” МЧЖ	Яккасарой тумани, Кичик бешёғоч кўчаси, 128-уй	0,25	1053	бўш турган	28.09.2017 й. №04-2408
4	“Zo’r Taasiya” МЧЖ	Яккасарой тумани, Братислава кўчаси, 3-“а” уй	0,16	2049	бўш турган	28.09.2017 й. №04-2408
5	“SMS” МЧЖ	Сергели тумани, Янги Қўйлиқ, 2-уй	0,7	3122	бўш турган	10.08.2017 й. №04-2042
6	“Musayev davr” МЧЖ	Миробод тумани, Эски Отчопар, 2-проезд	0,6	3139	бўш турган	10.08.2017 й. №04-2040
7	“Farm impeks” МЧЖ	Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, 315-уй	1	4182	бўш турган	10.08.2017 й. №04-2041
8	“Kompprador” МЧЖ	Чилонзор тумани, Бунёд кўчаси	1,44	3087	бўш турган	17.08.2017 й. №04-2031
9	“Arzanda” МЧЖ	Яшнобод тумани, Сандиқли кўчаси, 54-уй	1,39	4535	бўш турган	28.09.2017 й. №04-2409
10	“Gratis” МЧЖ	Мирзо Улуғбек тумани, Бўзбозор 7-тор кўча, 36-уй	0,47	4102	бўш турган	12.10.2017 й. №04-2548
11	“Moviy yulduz” ХК	Мирзо Улуғбек тумани, Матқобулова, 10-уй	950	700	қурилиши тугалланмаган	12.10.2017 й. №04-2547
12	“Восток технология” МЧЖ	Миробод тумани, Нукус кўчаси, 29-уй	0,08	1649	қурилиши тугалланмаган	12.10.2017 й. №04-2546
13	“C.U.Corporation” МЧЖ	Олмазор тумани, Қорақамиш мавзеси 1/4	1,09	3401	бўш турган	12.10.2017 й. №04-2545
14	“Vatan-boburshoh” МЧЖ	Учтепа тумани, Лутфий кўчаси, 55-“а” уй	0,66	2681	бўш турган	12.10.2017 й. №04-2543
15	“Shifobaxsh buloq” АЖ	Юнусобод тумани, Кичик ҳалқа автомобиль йўли кўчаси, 1-уй	1,1	2677	бўш турган	12.10.2017 й. №04-2542
16	“Glamur gold” МЧЖ	Юнусобод тумани, ТошГРЭС микрорайони	0,55	2747	қурилиши тугалланмаган	12.10.2017 й. №04-2535
17	“Mak-kur servis” МЧЖ	Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 86-уй	0,16	2524	бўш турган	12.10.2017 й. №04-2536
18	“Sharq-eksport-import” МЧЖ ҚК	Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 60-уй	0	2500	бўш турган	12.10.2017 й. №04-2537
19	“Shifobaxsh buloq” ОАЖ	Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор 7-тор кўчаси, 7-уй	0,81	4556	бўш турган	12.10.2017 й. №04-2538
20	“BMKB-Agromash” АЖ	Яшнобод тумани, С.Машҳадий кўчаси, 210-уй	0	3060	бўш турган	12.10.2017 й. №04-2538
21	“Express deal brokers” МЧЖ	Яшнобод тумани, Шоҳсанам кўчаси	0,33	4290	бўш турган	12.10.2017 й. №04-2539
22	“Fashion max textile” МЧЖ	Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси	0,15	2205	Қурилиши тугалланмаган	12.10.2017 й. №04-2540
23	“Sharq kontinent” МЧЖ	МирзоУлуғбек тумани, Оққўрғон кўчаси, 18-“а” уй	0,74	1416	Қурилиши тугалланмаган	12.10.2017 й. 04-2541
24	“Kommunal ta’mirlash vega” МЧЖ	МирзоУлуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 189-“б” уй	3608	2521	бўш турган	25.12.2017 й. 04-2965
25	“Business queen” МЧЖ	Учтепа тумани, Катта Хирмонтепа кўчаси	0,27	766	Қурилиши тугалланмаган	25.12.2017 й. №04-2966
26	“Mustang-Progress” МЧЖ	Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси	8936	29907	Қурилиши тугалланмаган	25.12.2017 й. №04-2967
27	“Alta vetta” МЧЖ	Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 77-уй	1,6	10498	Қурилиши тугалланмаган	25.12.2017 й. №04-2968
28	“Fozil Nizom” МЧЖ	Яккасарой тумани, Ш.Руставели кўчаси, 57-“а” уй	214	250	Қурилиши тугалланмаган	25.12.2017 й. №04-2969
29	“Асака” АТБ	Яшнобод тумани, Тараққиёт кўчаси, 2-уй	1,1	6418	бўш турган	25.12.2017 й. 04-2971
30	“Асака” АТБ	Яшнобод тумани, Тараққиёт кўчаси, 2-уй	0,31	1543	бўш турган	25.12.2017 й. 04-2970
31	“Toshmetroqurilish” МЧЖ	Чилонзор тумани, Чорбоғ кўчаси, 27-“б” уй	1,4	3910	бўш турган	25.12.2017 й. 04-2972
32	“Central Asian constriction” МЧЖ	Яккасарой тумани, Ш.Руставели кўчаси, 2-тор, 2-уй	15000	5271	бўш турган	25.12.2017 й. №04-2973
33	“ADM Tekstile” МЧЖ ХК	Яшнобод тумани, Жарқўрғон кўчаси, 39-уй		2000	бўш турган	25.12.2017 й. №04-2974
34	“Temirchi” МЧЖ	Яшнобод тумани, Жарқўрғон кўчаси, 22-“а” уй	15003	3276	бўш турган	25.12.2017 й. 04-2975
35	“Navro’z-savdo” МЧЖ	Сергели тумани, Қўйлиқ 5-мавзе, Олимбеков кўчаси, 2-уй	15123	3647	бўш турган	25.12.2017 й. №04-2976
36	“Perfect Engineering” МЧЖ ҚК	Миробод тумани, Нукус кўчаси, 29-уй	5393	10151	бўш турган	25.12.2017 й. №04-2977

54 та объект мулкдорларига нисбатан қарорнинг 7-бандида белгиланган солиқ коэффициенти қўлланилди.

Идоралараро комиссиянинг хулосаларига кўра ер ва мулк солиғи икки карра оширилиш коэффициенти қўлланилган корхоналар рўйхати

№	Корхонанинг номи	Объект жойлашган манзили	Объект майдони (кв.м.)	Бино-иншоотлар майдони (кв.м.)	ҳолати	Комиссия хулосаси
1	“Abdiraim Abdimalik savdo” ХК	Бектемир тумани, Зироат кўчаси	217	99	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3054
2	Жисмоний шахс Турабаева Д.Х.	Бектемир тумани, Олтинтопган кўчаси	660	314	қурилиши тугалланмаган	28.12.2017 й. №04-3053
3	Фуқаро Хабиялиева Робия Абдулахатовна	Бектемир тумани, Ҳ.Бойқаро кўчаси, 9- “а” уй	0	412	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3052
4	“Orzu taraqqiyot qurilish servis invest” МЧЖ	Бектемир тумани, Чирчиқбўйи кўчаси, 12-уй	8215	1737	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3051
5	“DDM Construction” МЧЖ	Бектемир тумани, Юқори Чирчиқ кўчаси, 1-“а” уй	120	120	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3050
6	“XDX” МЧЖ	Бектемир тумани, Чирчиқбўйи кўчаси, 12-уй		138	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3049
7	“Shodlik SM” МЧЖ	Бектемир тумани, Ҳ. Бойқаро 9-“а” уй		350	қурилиши тугалланмаган	28.12.2017 й. №04-3048
8	“Sarbon qurilish ta`mirlash” МЧЖ	Бектемир тумани, Ҳ.Бойқаро кўчаси, 3-уй	513	239	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3047
9	“Vzlyot impeks” МЧЖ	Мирзо Улуғбек тумани, Гулсанам кўчаси, 2-уй,	1689	352	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3046
10	Мадалиев Саттар Сарсенович	Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 2-2-“а” уй	9500	961	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3045
11	“Ko`chmakino” МЧЖ	Мирзо Улуғбек тумани, Қодиров кўчаси, 6-уй	555	227	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3044
12	“Paxtagin KB” МЧЖ	Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам 7-тор, 5-уй	0	928	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3043
13	Фуқаро Мирзаев Олим Адилович	МирзоУлуғбек тумани, Улуғбек шаҳарчаси,У.Ғуломов кўч., 31-уй	4798	1483	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3042
14	“Pasifik Servis” МЧЖ	Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 79-уй		84	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3041
15	“Sadaf plast servis” МЧЖ	Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майдони, 13-“а” уй		590	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3040
16	Султанов Даврон Мирзаевич	Мирзо Улуғбек тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 1-уй	2095	2095	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3039
17	Худойбердиев Музаффар Холиқбердиевич	Мирзо Улуғбек тумани, Қодиров кўчаси	800	1395	Қурилиши тугалланмаган	28.12.2017 й. №04-3038
18	Алматов Даврон Закирджанович	Мирзо Улуғбек тумани, Қорасу-1,22	2631	2000	Қурилиши тугалланмаган	28.12.2017 й. №04-3037
19	Назарова М.Н	Олмазор тумани, Кичик ҳалқа йўли ва Шимолий Олмазор кўчалари кесишуви	38381	13986	Қурилиши тугалланмаган	28.12.2017 й. №04-3036
20	“Enigma invest” МЧЖ	Олмазор тумани, Қорақамиш 2/4 даҳаси, 3-уй (Юнусова)	6298	1200	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3035
21	Абдуллаева Айша	Олмазор тумани, Тахтапул дарбоза кўчаси, 341-уй	987	443	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3034
22	Кадиров Р.Ф.	Олмазор тумани, Ўразбаев кўчаси, 2-уй		900	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3033

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

мамлакат тараққиётига хизмат қилади

Президентимиз ўтган йил 20 апрелда имзо чеккан "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор соҳадаги ислоҳотларни ҳар қачонгидан жадаллаштиришнинг муҳим омилларидан бири бўлди. У мазкур тизимдаги ишларни мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тараққий эттириш борасидаги устувор вазифалар талабларига мослаштириш масалаларини тубдан қайта кўриб чиқишга, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

– Қарор ижросини таъминлаш мақсадида олий таълим тизимини 2017-2021 йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланди, – дейди Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институти ректори С.Аҳмедов. – Дастурда ҳар бир олий таълим муассасаси бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар қатъий белгилаб берилди. Масалан, шу давр оралиғида бизнинг институтимиз ўқув-лаборатория базаси модернизация қилинади. Бунинг учун 7 миллиард 561 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилади. Таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш учун жами қиймати 1,9 миллиард сўмлик 208 та компьютер, 185 та проектор ва 350 дан зиёд бошқа технологик қурилмалар олинади.

Бакалавриат ўқув режаси тузилмаси ва уларнинг мазмуни ҳам такомиллаштирилади. Чунончи, ўқув режасида махсус фанлар блоки соатлари ҳажмини 15-20 фоизга, аниқроғи, амалдаги 906 соат ўрнига 1254 соатга ошириш, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блоки соатлари ҳажмини эса 5-10 фоизга камайтириш, билим сохалари доирасида математик ва табиий-илмий фанлар блокидаги фанларни заруриятга қараб, унификация қилиш белгиланган.

Дастурни бажариш асноси институтда бакалавр ва магистрлар тайёрлаш бўйича қабул кўрсаткичлари ҳам босқичма-босқич ошириб борилади. 6 та янги бакалавриат йўналиши ва 8 та магистратура мутахассислиги очилади. Натижада 2021 йилга бориб, институтда ўқиётган талабалар сони ҳозиргига нисбатан 1200 нафарга кўпайиб, 6100 нафарни ташкил этади.

Институт иншоотлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида янги йилда 580 нафар талабага мўлжалланган иккита ётоқхона, келаси ўқув йилида муассасанинг бош ўқув биноси капитал таъмирдан чиқарилади. 2021 йил охиригача эса қурилиш, қурилишни бошқариш, архитектура факультетларининг ўқув бинолари ҳам таъмирланиб, замонавий шарт-шароитлар яратилади. Айни мақсадда 39 миллиард 174 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланади. Бу эса дастурдаги вазифалар кўлами ва салмоғи нечоғли юқори эканлигидан далолат беради.

Абдурасул САТТОРОВ.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида берилган топшириқлар орасида бошқа хўжалик субъектлари қатори "Кафолат суғурта компанияси" АЖ томонидан амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор йўналишлар ҳам мавжуд.

"Кафолат"нинг "йўл харитаси"

Компанияда айни шу масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда компания раҳбарияти, мутахассислари иштирок этди ҳамда ҳудудий филиаллар раҳбарлари жойларидан онлайн тарзда қатнашди.

Тадбирда иштирокчилар Мурожаатномада белгиланган вазифа ва топшириқлар асосида компания томонидан ишлаб чиқилган "йўл харитаси" билан таништирилди.

Йиғилишда компания томонидан ўтган йилда амалга оширилган ишлар, янги йилда белгиланган чора-тадбирлар ҳам муҳокама қилинди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, 2017 йил компания учун омадли келди.

Жумладан, компания томонидан минтақавий бўлинмаларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, мижозларга хизмат кўрсатишда қулайликлар яратиш масаласига доимо эътибор қаратиб келинди. Яқинда "Кафолат суғурта компанияси" АЖ Фарғона вилояти филиали янги бинога кўчиб ўтди.

Ушбу маъмурий бино замонавий, кўркам ва шинам бўлиб, ходимлар ва мижозлар учун барча қулайликларга эга. Филиалнинг янги биноси бугунги кун талабларига мувофиқлиги билан компания мижозлари, қолаверса Фарғона вилояти аҳолиси учун суғурта хизматлари сифати ва тезкорлигини оширишга хизмат қилади деган умиддамиз.

Зилола ТЎРАБЕК қизи.

Энди "Ziraat Bank Uzbekistan"

Республикамизда хорижий инвестиция иштирокида биринчилардан бўлиб иш бошлаган "UTBANK" акциядорлик жамияти номи ягона акциядори "T.C. Ziraat Bankası A.Ş."нинг 2017 йил 20 декабрдаги қарори билан ўзгартирилди.

Эндиликда банкнинг тўлиқ номи "Ziraat Bank Uzbekistan" акциядорлик жамияти (рус тилида: Акционерное общество "Ziraat Bank Uzbekistan", инглиз тилида эса: Joint-Stock Company "Ziraat Bank Uzbekistan") деб юритилиб, унинг янги таҳрирдаги устави Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2017 йил 25 декабрда янги фирма номи билан рўйхатдан ўтказилди.

Банк расмий сайтида қайд этилганидек, муассаса номининг ўзгартирилиши унинг мижозлари ва ҳамкорларига нисбатан ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ҳеч қандай ўзгартирилишига олиб келмайди.

Ўз мухбиримиз.

Эълонлар

23	"Mega-TechSolutions" ХК	Сергели тумани, Жанубий ишлаб чиқариш ҳудуди	40452		бўш турган	28.12.2017 й. №04-3032
24	"Grand master partner" МЧЖ	Сергели тумани, Нилуфар кўчаси, 1-уй	1500		бўш турган	28.12.2017 й. №04-3031
25	"O'ztemiryo'lkonteyner" АЖ	Сергели тумани, Нилуфар кўчаси, 2-уй	1738	986,99	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3030
26	"Viktori glass" МЧЖ	Сергели тумани, Олтин водий кўчаси, 29-уй	5428		бўш турган	28.12.2017 й. №04-3029
27	Рахимов Вохид Мурадходжаевич	Учтепа тумани, 11-мавзе, 53-уй	138	114	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3028
28	Мухамедов Равшан Хакимович	Учтепа тумани, Зиё Саид ва Раҳим Бобоев кўчалари кесишуви	277	277	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3027
29	Тўйчиева Гулбаҳор Дадаматова	Учтепа тумани, Катта Хирмонтепа кўчаси, 1-"б" уй	405	340	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3026
30	Икромов Муҳаммадёқуб Исмоилович	Учтепа тумани, Ўрикзор мавзеси		399	қурилиши тугалланмаган	28.12.2017 й. №04-3025
31	"Vafo Normat" МЧЖ	Чилонзор тумани, 10-мавзе, 12-уй	2387	853	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3024
32	"Diplomat-servis" МЧЖ	Чилонзор тумани, Боғистон кўчаси, 10-уй	1360	499	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3023
33	"Jamol hoji" ХФ	Чилонзор тумани, Тирсакобод кўчаси	1353	490	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3022
34	"ГАРЗАЙ УЗ АФ ЖИ ВИ" МЧЖ ҚК	Чилонзор тумани, Зарқанд 1-берк кўчаси	2278	776	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3021
35	Айзенберг Я.Ю.	Чилонзор тумани, Чилонзор 3-мавзе 53-уй	2094	1826	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3020
36	Халикова Н.М	Чилонзор тумани, Ц-мавзе, 16-"а" уй		788	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3019
37	Маҳкамов Ахат Арабджанович	Чилонзор тумани, 8-мавзе, 7-"а" уй		632	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3018
38	"Kafil-sug'urta" МЧЖ	Шайхонтоҳур тумани, Анҳор бўйи кўчаси, 4-уй	1098	656	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3017
39	"Покистон Халқаро авиакомпания" корпорация	Шайхонтоҳур тумани, Халқлар дўстлиги кўчаси, 4-уй	281	198	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3016
40	Yuksel Denz Otomotiv Petrol Urunleri Limited Sirketi	Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 60-уй	1386	979	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3015
41	"STS-Vostok" МЧЖ ҚК	Юнусобод тумани, Бўзсув кўчаси, 1-уй	2860	1860	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3014
42	Қурбанов Жаҳонгир Жамолович	Юнусобод тумани, Мактаб кўчаси, 48-"а" уй	4818	299	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3013
43	Тошкент вилояти "Matbuot tarqatuvchi" ШК	Юнусобод тумани, Мирзахўжаев кўчаси, 15-уй	793	363	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3012
44	"O'zkommunissiqlikta'mir" МЧЖ	Юнусобод тумани, 17-мавзе, 18-уй		1500	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3011
45	"Hudud hamkor savdo" МЧЖ	Юнусобод тумани, 17-мавзе, 26-уй	715	473	қурилиши тугалланмаган	28.12.2017 й. №04-3010
46	"O'zbek konsalt invest" МЧЖ	Юнусобод тумани, Новгород кўчаси, 28-уй	26732	217	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3009
47	Рахимова И.Х. ва Юлдашева К.Н.	Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор 7-тор кўчаси, 2-уй	1069	418	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3008
48	Мушеев Борис Данилович	Яшнобод тумани, Авиасозлар-1 кўчаси, 9-уй	1982	437	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3007
49	"Novotek" МЧЖ	Яшнобод тумани, Асалобод кўчаси, 2-даҳа, 2-уй	432	421	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3006
50	"Prime sopone" ПИИ	Яшнобод тумани, Зохидон кўчаси, 4-уй	5082	614	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3005
51	"Alfaut" МЧЖ	Яшнобод тумани, Мумтоз кўчаси, 5-уй	983	398	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3004
52	"Coscom" МЧЖ ҚК	Яшнобод тумани, Уйсозлар кўчаси, 7-уй	50000		бўш турган	28.12.2017 й. №04-3003
53	"Mirsolar" МЧЖ	Яшнобод тумани, Ахсикат кўчаси, 176-уй		830	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3002
54	"Асака" акциядорлик тижорат банки	Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси 13/1-уй	1710	974	бўш турган	28.12.2017 й. №04-3001

Шу билан бирга, қарорнинг 6-банди 6-хат бошисида инвестиция лойиҳасини амалга ошира бошлаган мулкдорларга нисбатан Идоралараро комиссия инвестиция лойиҳаси амалга оширилаётгани тўғрисида хулоса берган санадан кейинги календарь чорагидан бошлаб солиқ чоралари қўлланилмаслиги белгиланган.

Корхона ва ташкилотлар диққатига!
"Агробанк" АТБ банк филиалларида асосий воситаларни қайта баҳолаш бўйича танлов эълон қилади.

1. **Танлов комиссиясининг ишчи органининг манзили ва телефони:** Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 43-уй. **Тел.:** 202-80-08 қ.р. 11127: 11110

2. Иштирокчилар танлов шартлари бўйича қўшимча маълумотларни олиш учун юқоридаги манзил ёки қўнғироқ қилиш орқали олишлари мумкин.

3. Тижорат таклифлари (конвертда корхона муҳри билан муҳрланган бўлиши лозим) жорий йилнинг 16 январь соат 17.00 гача қабул қилинади.

Оила инсоннинг эзгу орзу-умидлари ушаладиган, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва дўстлик ришталари мустаҳкамланиб, ўлмас қадриятлар авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтадиган муқаддас гўшадир. У, айниқса, наслимиз давомчилари – ўғил-қизларимиз камол топишида беқиёс ўрин тутади. Том маънода бахт ва саодат ошёни, қувонч ва хайрли ташвишлар маскани сифатида қадрланади.

Албатта, маънавияти юксак оилаларнинг фарзандлари иймон-эътиқодли, одоб-ахлоқли ва билимли бўлиб вояга етадилар. Бироқ турмуш сўқмоқлари бир текис эмас, унинг ўнқир-чўнқирлари ҳам кўп. Ана шу боис биз – Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) бўлимлари ходимлари туғилиш ва турмуш қуриш каби қувончли воқеалар қатори ўлим ёки никоҳни бекор қилишдек қайғули ҳолатларни ҳам қайд этишга мажбур бўламиз. Бундай кезларда ич-ичимиздан зил кетамиз. Жумладан, эр-хотиннинг ажрашиши туфайли ё ота, ё она меҳридан мосуво бўлиб, етимга айланаётган бегуноҳ болаларга астойдил ачинамиз.

ОИЛА – МУҚАДДАС ГЎША
унинг барқарорлигини таъминлаш барчамизнинг бурчимиз

Дарвоқе, жорий йилнинг 11 ойи лавомида Навоий шаҳри Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими томонидан 260 та никоҳ бекор қилинди. Шундан 38 таси бевосита бўлимнинг ўзида, яъни ўзаро розилик асосида вояга етмаган болалари ва мулкий низоси бўлмаган эр-хотинлар, 221 таси фуқаролик судлари қарорлари асосида никоҳлари бекор қилинган шахслар улушига тўғри келди. Ёки айтайлик, битта никоҳ тарафлардан бири 3 йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этилгани, қолганлари оилани бузишга арзимайдиган важлар баҳонасида бекор қилинди. Бу ажрашишлар ортида қанчадан-қанча норасидаларнинг тақдири, ҳаёти, кўз ёшлари, ўксик кўнгиллар дард-армони борлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Ажрашаётганлар орасида ёш келин-куёвлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг бу борада қалтис қарорга келишларига, аввало, ҳаёт синовларига дош беролмасликлари, иккинчидан, ён-атрофдагиларнинг, айниқса, маҳалла аҳлининг эътиборсизлиги сабаб бўлмоқда.

ФҲДЁ бўлимига ариза билан мурожаат қилган шахсларнинг никоҳлари дарҳол бекор қилинмайди. Олдин улар зарур чоралар кўрилиши учун маҳаллалар қошида ташкил этилган яраштирув комиссияларига йўналтирилади. Аммо уларнинг бугунги фаолиятини қониқарли, деб бўлмайди. Аксарият маҳаллаларда эса бунақа комиссиялар умуман ишламайди. Масалан, биз ўзаро низолашиб қолган эр-хотинни ўзлари яшайдиган “Баҳор” маҳалла фуқаролар йиғинига юборгандик. Қарангки, бу ердагилар имкон қадар уларни яраштириш чораларини кўриш ўрнига тескари йўл тутишибди. Маҳалла раиси, посбони ва маслаҳатчиси комиссия номидан антиқа далолатнома тузиб, унда никоҳни бекор қилишга халақит берувчи ҳеч қандай тўсиқ йўқлигини баён этишибди. “Истиқлол” маҳалла фуқаролар йиғини яраштирув комиссиясига йўналтирилган эр-хотиннинг оилавий муаммолари эса комиссия иштирокисиз танҳо маҳалла оқсоқоли томонидан бирёқлама ўрганилиб, қуруқ маълумот берилган, холос. Ҳолбуки, яраштирув комиссиясининг асосий вазифаси, ҳақиқий аҳвол қандайлигидан қатъи назар, эр-хотинни яраштиришга, оилани сақлаб қолишга интилишдан иборатдир.

Кейинги пайтларда миллатимиз менталитетига мутлақо хос бўлмаган яна бир ташвишли иллат бот-бот кузатилмоқда. Аниқроғи, қонунан никоҳдан ўтгану бироқ тўй қилишга улгурмаган йигит-қизлар ҳам ажрашиб кетмоқдалар. Шунинг оқибатида 2017 йилнинг ўзида 7 та янги оила ҳали шаклланиб улгурмасиданоқ барбод бўлди. Бунга келин-куёвларнинг турмуш қуришга тайёр эмасликлари, айрим эркатой қизларнинг чиройли сарполару ялтироқ зеб-зийнатларни оиладек муқаддас гўшадан устун қўйишлари, баъзи йигитлар, гарчи келинни ёқтирмаса-да, онаси раъйини қайтармаслик учун турмуш қуришга чоғлангани, қуда-андалар ўртасидаги бемаъни можаролар сабаб бўлмоқда. Масалан, 21 августда никоҳдан ўтган жуфтликнинг тўйи 22 сентябрда бўлиши белгиланганди. Шу орада куёвнинг онаси қуда томон ўғлига атаб олган сарполар Туркияники эмаслигини айтиб жанжал кўтарди. Алалоқибат, бу молпарастлик тўй қолдирилиши ва никоҳ бекор қилиниши билан якун топди. Бундай нохуш воқеа 11 ой ичида шаҳримиздаги биргина “Ватан” маҳалласида уч марта рўй берди.

Юқорида тилга олинган далиллар оилаларга жиддий эътибор қаратиб, уларнинг барқарорлигини таъминлашни, айниқса, маҳалла институтининг бу борадаги масъулиятини кескин кучайтиишни тақозо этади. Биз буни ҳамиша ёдда тутмоғимиз ва шунга яраша иш юритмоғимиз зарур

Дилобар ПАРДАЕВА,
Навоий шаҳри Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудираси.

ЁНҒОҚ КОНИ ФОЙДА

– дейди Риштон туманидаги “Ихтиёр СМИК” кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Мўътабархон Аҳмедова.

Дунёда ёнғоқ экспорти энг даромадли ва доимо харидоргир савдо ҳисобланади. Айтайлик, йилига энг кўп, яъни 2 млн. тонна ёнғоқ Хитойда етиштирилади, лекин шунга қарамай аҳолиси кўплиги ҳисобига яна 7 млн. тонна ёнғоқни четдан олади. Туркия, АҚШ, Молдова, Чили давлатлари ҳам мазкур соҳада илғорлар сафида туради.

Мамлакатимиз ёнғоқ етиштиришда дунёда 13-ўринда эканлиги эса ҳудудимизнинг табиий имкониятларидан оқилона фойдалана олмаётганимизни кўрсатади. Ҳозир юртимизда интенсив ёнғоқзорлар яратишга кенг шароит яратиш, фермерларга керакли тавсия ва йўл-йўриқлар бериш орқали соҳани ривожлантиришга эришиш ҳамда дунё бозорларида муносиб ўрин эгаллаш сари дастлабки қадамлар қўйилмоқда.

Фарғона вилоятида ҳам Марказий Фарғона чўлларида янги ёнғоқзорлар яратиш, ҳосилдорликни ошириш ҳисобига халқ фаровонлигини юксалтириш юзасидан барча чора-тадбирлар кўриляпти.

кенгайтириш ҳисобига олти нафар оила аъзоларимиздан ташқари 30 нафар ҳамқишлоқларимизни ҳам иш билан таъминладик.

Ёзёвон туманидаги “Ҳотамов Ҳайдарали” фермер хўжалиги аъзолари пахта ҳосили паст майдонларда ёнғоқзор, узумзор, писта-бодомзорлар барпо этиш, мевали ва манзарали дарахтларни кўпайтириш йўли билан иҳотазорларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бултур дарахтлар оралари ва иҳота майдонларидан оқилона фойдаланиш йўли билан 573 килограмм олма, 250 килограмм беҳи, 245 килограмм олхўри, 120 килограмм хурмо йиғиб олиниб, 5 млн. сўмлик даромад қилинди.





– Бугунги кунда республикамизнинг таниқли олим ва мутахассислари, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг фермер ва деҳқон хўжаликларининг раҳбарлари, ўз ишининг етук билимдонлари мазкур масалага жиддий эътибор қаратишаётганлиги бежиз эмас, – дейди Ёзёвон туманидаги “Хайрулло” фермер хўжалигининг раҳбари Абдурасул Тўраев. – Чўл ерларини ўзлаштириб, Марказий Фарғонани мўл-кўлчилик ҳудудига айлантираётган деҳқон ва фермер хўжаликлари Ёзёвон, Қўштепа, Олтиариқ ва Бағдод туманларида юзлаб топилади. Мен бундан 17 йил илгари фермер хўжалиги ташкил қилиб, 25 гектар ерда деҳқончилик қилишни бошлаган эдим. Жамоа аъзоларимиз билан айни пайтда 90 гектар ерда деҳқончилик қиляпмиз. Ўтган йили ҳар гектар ердан чўл шароитида 42 центнердан пахта хомашёси етиштириб, шартнома режасини вилоятда биринчилардан бўлиб бажардик. Давлатга режадагидан ташқари 65 тонна юқори навли “оқ олтин” етказиб бердик. Ғалла, сабзавот ва полиз экинларидан ҳам юқори ҳосил кўтариб, хўжалигимиз аъзоларига қиш учун бепул тақсимлаб бердик. Фаолиятимизни

– Ёнғоқ мевасидан тортиб, пўчоғи, барги, ёғигача фойдали ҳисобланади, – дейди Риштон туманидаги “Ихтиёр СМИК” кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Мўътабархон Аҳмедова. – Бугунги кунда вилоятимиз ва туманимизда Хитой ва Туркиядан келтирилган ёнғоқ уруғи ва кўчатларини чўл зонасидаги ерларга экиб, серҳосил боғлар яратиш юзасидан қизғин иш олиб борилмоқда.

Маълумки, Марказий Фарғона ерларининг шўрланганлик даражаси юқори, қолаверса, чўл ҳудудларида сув етарли эмас. Шу боис, мазкур майдонлар интенсив ёнғоқзорлар яратиш учун қулай. Фарғона водийси ерларининг денгиз сатҳидан 500-600 метр баландликда жойлашганлиги, ёнғоқ дарахтининг қуёш тиғидан куймаслиги касалликларга чалинмаслигини кафолотловчи табиий шароит ҳисобланади.

Умуман, ер деҳқондан меҳр талаб қилади. Деҳқон фарзандини қанча яхши кўрса, ерни ҳам шундай ардоқлаши керак. Марказий Фарғонадаги ерлар ҳам ана шундай эътибор ва ардоққа муҳтождир.

Баҳодир ЭРГАШЕВ.

Таъсисчи
“Бизнес-Daily Медиа”
ноширлик уйи МЧЖ

Бош директор
У. Н. НУСУРОВ

Манзил: Тошкент шаҳри, 100066, Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Бирлашган таҳририят
Б. ЭГАМҚУЛОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
А. НАРМАНОВ
(Масъул котиб).

2013 йил 12 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0064-сон билан қайта рўйхатдан ўтган.
Бичими – А-3, ҳажми – 4 босма табоқ.
Буюртма: Г – 101. А-2006. Нашр кўрсаткичи: якка тартибдаги обуначилар учун – 160, ташкилотлар учун – 161.
“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Телефонлар
Қабулхона – 259-21-96
Бош муҳаррир ўринбосари – 259-21-98
Масъул муҳаррир – 259-21-94
Котибият – 259-22-05, 239-83-79
Бухгалтерия – 259-22-67, 259-21-45
Реклама ва эълонлар бўлими – 259-22-06, 259-20-71, 259-21-97, 239-83-89 (факс)
E-mail: info@biznes-daily.uz

Газета 1994 йил 31 августдан чиқа бошлаган.
Сотувда келишилган нархда.

© Biznes Daily “Биржа”дан кўчириб босиш фақат “Бизнес-Daily Медиа” НУ МЧЖ рухсати билан амалга оширилади.
Газета жамият матбаа бўлимида терилди ва саҳифаланди.
© Biznes Daily “Биржа” оригинал макети.
Ⓕ Тижорат материали.

Навбатчи муҳаррир: М.Тошпўлатов.
Навбатчи: И. Мамажонов.

2181-726X

График бўйича топшириш вақти: 20:30
ЎзА якуни: 01:10
Босмахонага топширилди: 01:45
Теришга топшириш вақти: 15:00

1 2 3 4 5 6